

## ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ РИВОЖЛАНИШИННИГ САМАРАДОРЛИГИ

**Г.Р.Шарапова**

*Toшкент давлат транспорт университети асистенти*

**Аннотация:** Мақолада инновацион фаолият сўз борар экан, у келажак маъносини англатади, хар бир иқтисодиёт тармоғига инновацион фаолият кириб барар экан унда албатта янгиланиш, ўсиш, ўзгариш рўй беради.

**Таянч сўзлар:** Инновация, технология, биотехнология, тенденция

Ташиб жараёнида янгилик яратиш тайёрлаш, жорий қилиш, ўзлаштириш ва қайта ташкил қилишнинг илмий-услубий шарт-шароитини ўз ичига олади. Илм-фан аввало, техника ва технология, илмий кашфиётларнинг техника ва технология даражасига таъсири остида, иккинчи томондан – илмий тадқиқотларда энг янги ускуналарнинг қўлланилиши оқибатида ривожланади. Инновация моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳасидаги (хусусан, темир йўл транспортида фойдаланиш ва техник хизматлар, транспортдаги хизмат кўрсатиш соҳаси) сифат ўзгартиришларни рафбатлантиради, меҳнат унумдорлигининг доимий ўсиб боришига олиб келади, меҳнат жамоаси ва жамият ҳаётининг деярли барча томонларига ўз таъсирини ўтказади.

Замонавий инновацион фаолият қуидагиларни назарда тутади::

- ишлаб чиқариши комплекс автоматлаштириш – меҳнат жараёнини капиталлаштириш эвазига эришилади. Ишлаб чиқариш жараёнида роботлардан кенг фойдаланилади, бошқарувда замонавий ахборотлаштириш дастурлари қўлланилади, бир сўз билан айтганда, инсон иш кучидан фойдаланиш даражаси максимал даражада камайтирилади;
- илм-фанда, маорифда, иқтисодиётда, кундалик турмушда замонавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш;
- транспорт ва алоқада энг янги воситалардан фойдаланиш;
- нано-технология, мембрана, лазер, плазма ва бошқа технологияларни ўзлаштириш;
- самарали конструкцион материалларни ҳосил қилиш ва қўллаш;
- биотехнологияларни тез суръатларда ривожлантириш;
- моддий ресурсларни иқтисод қилиш ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган йўналишлар ўзаро яқиндан боғланган, шунинг учун улар орасидаги чегараланиш маълум бир даражада нисбийдир. Ишлаб чиқариши, бошқариш соҳасини автоматлаштириши замонавий ахборот-коммуникация технологияси ва Интернет тармоғисиз тасаввур қилиш қийин бўлиб, улар ҳақиқатда бошқарув тизимида муҳим аҳамият касб этади. Яна шуни унутмаслик керакки, мажмуавий бошқарув тизимининг замонавий андозалари ваколат ва вазифаларни бўлинма ва ижрочилар ўртасида оқилона тақсимлаш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам, мажмуавий бошқарув тизимини ишлаб

чиқиши жорий қилиш корхоналар ишида маълум бир ташкилий қайта қуришни талаб қиласди.

Мутахассисларнинг фикрича, иқтисодий ва ташкилий масалаларга қараганда техникавий ва ишлаб чиқариш масалалари одатда тезроқ ва соддароқ ҳал қилинар экан.

Мутахассисларнинг фикрича саноати ривожланган давлатлар иқтисодиёти XXI аср бошида қуйидагича ривожланиш тенденцияларига эга бўлади<sup>1</sup>:

- ахборот технологиялари – микроэлектроника, йўлдош алоқаси, Интернет асосида ва DVD ахборот ташувчилар, уч ўлчамли оптик-электрон хотира, Интернет асосида;
- инновацион фаолиятнинг интеграцияси – товар ҳаёт цикли босқичлари бўйича интеграция, технопаркларнинг шаклланиши, технополислар ва бошқа шакллар, глобал инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиши, глобал стратегия асосида халқаро интеграция;
- илмий тадқиқот ишларига харажатлар – ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 3-7 фоизини ташкил қиласди, патентлар сотиш ва алмаштириш ҳажмининг оширилиши;
- ишлаб чиқариш тури – йирик серияли, оммавий автоматлашган ишлаб чиқариш, интиеграцияланган автоматлашган ишлаб чиқариш модуллари ва тизимлари;
- товарлар сифати – юқори. Товар сифатини ошириш фирма, корпорация, ишлаб чиқарувчилар мақсади бўлиши керак, товарларни ишлатиш давомида фойдалилигини, хавфсизлигини ва қулайлигини, ҳамда ресурс тежамкорлигини таъминлаш йўналишида уларнинг сифатини янада ошириш;
- товарнинг ҳаётий ва қайта ишлаб чиқариш цикли – 2 йилдан 5 йилгача ва ҳаттоқи, икки маротабага қисқартириш ва бошқалар.

Замонавий корхоналарнинг инновацион ривожланиши асосий фаолиятнинг ажралмас қисми бўлиб, маҳсулот ассортименти ва умуман корхона рақобатбардошлиги ошишига шароит яратади. Рақобатбардошлик, ўз навбатида, фойда ва ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларига таъсир қиласди. Кўпчилик корхона раҳбарлари ҳозиргача ўз обьектларининг илмий-техник ривожланиши биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини тўлиқ тушуниб етмаяптилар ва маҳсулот ва хизматлар сифатига катта аҳамият бермаяптилар. Улар харажатларни иқтисод қилиш орқалигина фойдани оширишни маъқул кўрмоқдалар. Бу эса, ташқи муҳит ўзгаришларига нисбатан корхона ва ташкилотларнинг мослашувчанлигини кескин туширади, ҳамда ўрта ва узоқ муддатли давр учун уларнинг рақобатбардошлигини йўққа чиқаради.

Саноати ривожланган мамлакатлар тажрибаси иқтисодиётда инновацияларнинг роли ниҳоятда муҳим эканлигини кўрсатмоқда. Улар илмий-техник тараққиётнинг намоён бўлиши сифатида, нафақат, товар ва хизматларни, балки корхоналарни бошқариш тизимини ўзгартирниш ва такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради, уларни замонавий муҳит талабларига мослаштиради. Бошқача

қилиб айтганда, корхонадаги инновациялар фан-техника тараққиётининг микродарражадаги намоён бўлиш шаклидир.

Агар темир йўл транспорти тузилмасидаги инновация бўлими тизим манфаатларидан ажралган ҳолда ўз ҳолича фаолият кўрсатса ва унинг ҳаракати фақат ўз мақсадларига етишишга қаратилган бўлса прогрессив сифатга эга бўлишига қарамасдан инновация салбий таъсир қилиши ҳам мумкин, Натижада, инновация учун ажратилган катта инвестициялар «бекорга» ишлайди, яъни транспорт тизимининг энг асосий мақсадига етишишга йўналтирилган бўлмайди. Шунинг учун, инновациялар бошқариш обьекти бўлиб, инновация менежменти эса инновацияларнинг самарали ишлатилишини ва бошқарилишини назарда тутади.

Компания фаолиятининг самарали эканлиги олинган натижа ва унга эришиш давомида қилинган харажатлар нисбатини кўриш орқали аниқланади. Самарадорлик – нисбий катталик бўлиб, бирликнинг улушлари ёки фоизларида ўлчанади ва қилинган харажатлар натижасини тавсифлайди. Самарадорликнинг мезони сифатида белгиланган харажатлар доирасида максимал натижа олиш ёки белгиланган натижага эришишда харажатлар даражасини минимал қилишга эришиш олинади.

**Инновация ривожланиши самарадорлиги – натижа ва у сабаб бўлган харажатлар.**

**Инновация ривожланиши самараси – корхона фан-техника фаолияти натижаси – соф фойда.**

**Техник самара:** янги техника ва технология, кашфиётлар, янгиликлар, рационализаторлик таклифлари, ноу-хау ва бошқаларнинг пайдо бўлиши.

**Ресурс самараси:** корхонада ресурсларнинг (моддий, меҳнат, молиявий) тежалиши.

**Иқтисодий самара:** меҳнат унумдорлигининг ошиши ва ортиқча меҳнат, материал сарфининг, маҳсулот таннархининг камайтирилиши, соф фойда ва рентабелликнинг ошиши.

**Ижтимоий самара:** аҳоли моддий ва маданий турмуш даражасининг кўтарилиши, инсон эҳтиёжининг тўлиқроқ қондирилиши, меҳнат қилиш шароити ва хавфсизлигининг

Шундай қилиб, турли транспорт воситалари билан иқтисодиёт тармоқлари юкларини ташиш жараёнини такомиллаштириш илмий-услубий шартшароитларини аниклаш инновация ривожланиши билан яқиндан боғлангандир.

Транспорт турлари ёрдамида ҳалқ хўжалиги юкларини ташиш самарадорлигини ошириш транспорт тизими ташкилотларида инновацияни ривожлантиришнинг бош концептуал асосларини ташкил қиласди.

Иқтисодий ислоҳатлар даврида ишлаб чиқаришнинг пасайиши шароитида корхоналар инновация ривожланиши соҳасида жиддий муаммоларга тўқнаш келмоқдалар. Асосий қийинчиликлар шундан туғилдики, давлат илмий тадқиқот ишларини. Корхоналарнинг ўзини-ўзи молиялаштиришга ўтиши, йирик ҳалқаро ташкилотлардан инвестицияларнинг жалб қилиниши корхоналар инновация фаолиятига янгича туртки берди. Бундан ташқари, саноат корхоналарининг раҳбарлари шуни тушуниб етдиларки, инновация соҳасидаги стратегик режалаштириш – бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритишда фирма фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий элементидир. Шу билан боғлиқ равишда ички инвестицияларнинг бир қисми корхонанинг инновация ривожланишига йўналтирила бошланди.

#### REFERENCES:

1. Yuldasheva, S. A., & Murodov, B. X. ugli, Suvonqulov, SI ugli (2020). Negative consequences of monopoly and methods of regulation, 195-196.
2. Арислановна, Ю. С., & Бахтиорвич, Г. Б. (2021). Использование опыта развитых стран в развитии консорциума между высшими учебными заведениями и производством. Европейский журнал молекулярной и клинической медицины, 8(1), 819-826.
3. Арислановна, Ю. С., & Бахтиорвич, Г. Б. (2021). Маркетинговая и информационная поддержка в государственном секторе. Европейский журнал молекулярной и клинической медицины, 8(1), 940-948.
4. Юлдашева, С. А., Гиёсидинов, Б. Б., & Эгамбердиев, О. Б. (2022). ПУТИ И ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ. INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE, 1(6), 114-117.
5. Юлдашева, С. А., Гиёсидинов, Б. Б., & Эгамбердиев, О. Б. (2022). ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЕМ. INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE, 1(6), 118-123.
6. Юлдашева, С. А., Гиёсидинов, Б. Б., & Эгамбердиев, О. Б. (2022). ЭКОНОМИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ИНВЕСТИРОВАНИЯ В СОЦИАЛЬНО ЗНАЧИМЫЕ СФЕРЫ. INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE, 1(6), 133-137.
7. Shakirova, F. B. (2022). THE IMPORTANCE OF INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF INNOVATION IN THE ECONOMY. *Confrencea*, 7(7), 61-62.
8. Шакирова, Ф. Б. (2022). МАМЛАКАТДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА САМАРАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ. *Journal of new century innovations*, 17(1), 114-118.

9. Шакирова, Ф. Б., & Махмудова, П. (2022). ВЛИЯНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ И ИННОВАЦИЙ НА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ РОСТ. *Journal of new century innovations*, 15(2), 142-146.
10. Shakirova, F. B. (2022). TALIMDA IMMERSIV YONDASHUV. *Journal of new century innovations*, 15(2), 138-141.
11. Шакирова, Ф. Б. (2015). Социально-экономическое развитие государств Евразии и других зарубежных стран. *Проблемы современной экономики*, (3), 299.
12. Parizoda, M. (2022). IQTISODIYOTNI RAQAMLASHTIRISHNING AYRIM JIHATLARI. *Journal of new century innovations*, 15(2), 147-150.
13. FB, A. S. S., & Shonazarova, N. B. (2022). THE IMPORTANCE OF INVESTMENT ACTIVITIES IN THE RAILWAY TRANSPORT NETWORK IN UZBEKISTAN. *Confrencea*, 6(6), 216-217.
14. Shakirova, F. B. (2020). Digital economy as a new direction of economic theory. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(9s), 4053-4056.
15. Shakirova, F. B. (2018). Improving the mechanism of sustainable economic growth based on innovative development. Tashkent.
16. Шакирова, Ф. Б. (2017). ВОЗМОЖНОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА ПОСРЕДСТВОМ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ. In *СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОСТИ: ПОИСКИ МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫХ РЕШЕНИЙ* (pp. 367-368).
17. Mardievna, S. G. (2022). WAYS TO DEVELOP ENTREPRENEURSHIP IN OUR COUNTRY. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMUY JURNALI*, 902-905.
18. Shadieva, G. M., Baratovna, S. N., & Muminovich, A. S. (2022). Theoretical Foundations of National Tourism and Competitiveness. *Specialusis Ugdymas*, 2(43), 3166-3177.
19. Шадиева, Г. (2022). САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ КАТТАҚҮРҒОН ТУМАНИ РИВОЖЛАНИШИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК РОЛИ “МАҲАЛЛАБАЙ” ЁНДАШУВИ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a62](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a62). *Экономика и образование*, 23(5), 370-375.
20. Рахманбаева, Р.А. (2020). Главный фактор развития новой экономики постиндустриального общества. *Журнал PalArch по археологии Египта / египтологии*, 17 (6), 14201-14207.
21. Рахманбаева, Р.А. (2020). Главный фактор развития новой экономики постиндустриального общества. *Журнал PalArch по археологии Египта / египтологии*, 17 (6), 14201-14207.
22. Рахманбаева, Р. А. (2022). Пути Повышения Эффективности Деятельности Предприятий Железнодорожного Транспорта. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES*, 3(2), 7-9.
23. Рахманбаева, Р.А. (2022). Современный подход к реструктуризации и модернизации железных дорог. *Испанский журнал инноваций и честности*, 3 , 1-6.